





## “КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ” ДАСТУРИ — АМАЛДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги Фармони ва “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш борасида вилоятимизда кенг қўлмали ишлар амалга ошириляпти.



## “Бунёдкор”да Бунёдкорлик ишлари

Хусусан, бугунги кунда камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, барча маҳаллаларнинг ихтисослашуви, “Бир Маҳалла — бир маҳсулот” тамойилини жорий этиш, маҳсулотларни ички бозорга ва экспортга чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда.

Вилоятимиздаги 58 та шароити оғир маҳаллада томорқа суви таъминотини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида аҳоли томорқалардан унумли фойдалана бошлади. Жумладан, Дўстлик туманидаги “Саритепа” ва “Бунёдкор” МФЙларида ҳам томорқаларни сув билан таъминлаш ишлари йўлга қўйилди.

“Бунёдкор” МФЙда 5470 нафар аҳоли истиқомат қилади. Худуддаги 670 та хонадонда 1080 оила мавжуд. Маҳалла аҳолиси бир неча йиллардан буён оқар сувнинг йўқлиги туфайли деҳқончилик қилишга қийналиб келарди. Ниҳоят жорий йилда уларнинг орзуси ушалди. “JIZZAX IRRIGATSIYA STROY MONTAJ” МЧЖ курувчилари “Бунёдкор” МФЙ худудидаги аҳоли томорқа ерларини сугоришни яхшилаш учун ички ариқларни бетонлаш ишлари” лойиҳаси асосида курилиш-монтаж ишларини жадал суръатда олиб бормоқда.

— Маҳалла худудининг бир қисмида курилиш ишлари ниҳоясига ет-

казилиб, аҳоли томорқаларига оқар сув етказиб берилаяпти, — дейди мазкур жамият раҳбари Жамшид Ҳамроев. — 1 километр узунликдаги ариқларга бетон лотоклар монтаж қилиб чиқилди. Айни кунда 1 километр 651 метр узунликдаги ариқлар бетонлаштирилмоқда. Курувчиларимиз ушбу маҳалла худудида жами 1 миллиард 215 миллион 326 минг сўмлик курилиш-монтаж ишларини амалга оширадilar. Яқин кунларда лойиҳанинг иккинчи босқичида ҳам ишлар якунланиб, аҳоли томорқалари оқар сув билан таъминланади.

Бугун маҳалланинг 200 дан зиёд хонадонларига оқар сув етказиб берилаяпти. Қишлоқ аҳоли томорқаларга турли экинлар экиб, яратиб берилётган шароитлардан миннатдор бўлишмоқда.

— Томорқа — даромад манбаи ҳисобланади, — дейди Гузалсой кўчасида яшовчи Маҳмуд Шодмонов. — Шу боис, маҳалламиз аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишди. Илгари оқар сув келмай,

кўплаб хонадонлар эгалари экин эколмай қолганди. Яқинда бетон ариқлар курилиб, маҳалламизга оқар сув келди. Барчамиз шундай шароитлар яратиб бераётган Президентимиздан, вилоятимиз ва туманимиз раҳбарларидан миннатдоримиз. Маҳалламиздаги аксарият хонадон эгалари мавжуд томорқаларидан 2-3 мартагача ҳосил олмақда. Мен ҳам оилам билан 15 сотихли томорқамга картошка, сабзи, пиёз, помидор, бодринг экиб, парварিশлаяпман. Яна маккажўхори экишга ер тайёрлаяпман. Биринчи ҳосилни йиғиштириб олсам, яна бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирмоқчиман.

Сув бор жойда ҳаёт бор, дейишади. Сув бўлса деҳқончилик ҳам баракали бўлади. Даромад бор жойда эса камбағал бўлмайди. Шу боис қишлоқ аҳоли янгича руҳ, янгича куч-ғайрат билан деҳқончилик қилмоқда.

Васил ИЛЁСОВ.  
(“Жиззах ҳақиқати”)

**Суратларда:** Дўстлик туманидаги “Бунёдкор” МФЙда курилиш-монтаж ишларини олиб бораётган “JIZZAX IRRIGATSIYA STROY MONTAJ” МЧЖ раҳбари Жамшид Ҳамроев ва иш юритувчи Жасур Ҳамроев билан ўрнатилган лотокларни кўздан кечирмоқда.

Шерзод ЭГАМҚУЛОВ олган суратлар.

## ВИЛОЯТИМИЗДА “ТОЗА ҲАВО” ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасида атмосфера ҳавосига автомобилотранспортлардан чиқадиган зарарли газлар мунтазам назорат остида бўлиши белгилаб қўйилган. Шунинг учун мамлакатимизда ҳар йили икки марта “Тоза ҳаво ойлиги” тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Айни кунларда республикамиз миқёсида жорий йилнинг 10 апрелидан 10 майга қадар мазкур тадбирнинг I босқичи бўлиб ўтапти.

## АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИНГ МУСАФФОЛИГИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Тадбир мобайнида вилоят экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси Жиззах шаҳар бўлимининг давлат инспекторлари иштирокида 2 мингдан зиёд автотранспорт воситалари куриқдан ўтказилди.

Унда асосий эътибор атмосферага 70 фоиз углеводород оксиди (СО) ва 13 фоиз углеводородлар (СР)ни чиқараётган карбюратор двигателли ҳамда дизелли автомобилларга қаратилди. Натижада шахримизда 600 га яқин автотранспорт воситалари газ ёнилгисига ўтказилиб, атмосферага чиқарилаётган зарарли модда-

лар миқдори 70 тоннадан зиёдроққа қисқаришига эришилди.

Агар олдинги текширув натижалари таҳлил қилинса, жами автотранспортлардан атмосфера ҳавосига давлат стандартига асосан белгиланган меъёрдан ортиқча зарарли газлар чиқариш ҳолатлари умумий транспортлар сонининг 7 фоизини ташкил қилмоқда.

Бу кўрсаткич 20 йил олдин 25-30 фоизни ташкил



этган. Кўрсаткичнинг ижобий томонга ўзгаришига асосий сабабларидан бири, юртимизда “EVRO-3” ва “EVRO-4” давлат стандартлари талабига жавоб берадиган автотранспортлар ишлаб чиқарилаётганлиги бўлса, иккинчи томондан, яроқсиз ҳолга келиб қолган карбюраторли транспортлар аста-секин юридик ва жисмоний шахслар тасарруфидан чиқарилмоқда.

Шунингдек, ушбу тадбир давомида атмосфера ҳавосига белгиланганидан ортиқча зарарли газларни чиқараётган автотранспортларнинг эгаларига автотранспорт воситаларини зудлик билан соз ҳолатга келтириш тўғрисида кўрсатмалар берилиб, энг яқин жойдаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохбачаларига юборилди.

Белгиланган меъёрларни бир неча марта бузган автотранспорт эгаларининг уловлари йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан вақтинчалик жарима майдонига қўйилди.

Ушбу тадбирнинг иккинчи босқичи эса шу йилнинг 10 августдан 10 сентябрга қадар бўлиб ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар биримиз атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлган ҳолда атмосфера ҳавосининг мусоффо бўлишини таъминлашимиз лозим. Зеро, доно халқимиз “Тоза ҳаво — танга даво!” деб бежизга айтмаган.

**З.МАМАДИЯРОВ,**  
**вилоят экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармасининг шаҳар бўлими давлат инспектори.**

мида аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирлари амалда бажарилди. Ёнғин, сел, турли техноген офатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида маълумот берилиб, бундай вазиятларда тўғри ҳаракатланиш амалда кўрсатилди. Ўқув машқидан қўзланган асосий мақсад ҳам шу — одамларда ўзини ва ёрдамга муҳтож бошқа инсонларни қутқариш кўникмасини шакллантириш эди.

Яқунда машғулот муҳокамасида иштирок этган эксперт ва кузатувчилар ўтказилган ўқув машқига юқори баҳо беришди. Ўқув машқи давомида фаоллик кўрсатган катнашчилар вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ва Бахмал тумани ҳокимининг ташаққуриномалари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Ифтихор УМАРОВ,**  
**вилоят ФВБ ахборот хизмати раҳбари, капитан.**

Суратда: тадбирдан лавҳа.



АРНАСОЙДА



## ПОМИДОР ЯНГИЧА УСУЛДА ЭКИЛМОҚДА

**Дастлабки фаолиятларидан бирини Жиззах вилояти Арнасой туманининг энг чекка худудларидаги шўрхак ва чакалакзор бўлиб ётган қаровсиз ерларда бошлаган BMB HOLDING бугунга келиб шу ерлик маҳаллий аҳоли ишончини тўла оқлаб улгурди. Муқаддам пахта, ғалла ва баъзида дуккакли экинлардан бошқа нарса экишга жазм қилинмаган мазкур майдонларда бугунги кунда илмий ва инновацион ёндашув асосида сабзавотлар, хусусан, помидордан мўл ҳосил олинмоқда.**

Қолаверса, нафақат қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштириш, балки аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг моддий таъминотини яхшилаш ҳам Ҳолдингнинг бош мақсадларидан бирига айланган.

— Одатда туманимиз пахта ва ғаллага ихтисослашган бўлиб, баъзида бўш майдонларга мош экиларди. Лекин охириги 2 йилда BMB HOLDING томонидан синов тариқасида сабзавот экиш амалиётининг жорий қилиниши ўзини оқлади. Масаланинг яна бир томони сув билан боғлиқ бўлиб, туманимизда қишлоқ хўжалиғи экинларини сугориш катта муаммо эди. “Гидрогель” полимер моддаси биз учун янгилик бўлди”, — дейди Арнасой тумани ҳокими ўринбосари Хайриддин Суяров.

Худудда сув танқислиғи жуда юқори бўлиб, бу муаммога ҳам ижобий ечим топиш устида масъуллар бош қотиришмоқда. Масалага янада аниқроқ ёндашадиган бўлсак, ҳар бир помидор

кўчати остига 40-45 фоизгача сувни тежаш имкониятини берадиган AgroNanoGel Basic гидрогель каби ноу-хаулар қўлланилмоқда. Ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, айнан мазкур модда қўлланилган майдонларда ҳар бир тупдан олинадиган ҳосил одатдагига қараганда 3-4 килограммча кўпайгани ўз исботини топган.

BMB AGRO майдонларига экиладиган помидор навлари ҳам илмий ёндашув асосида танланганлиги эътиборингизни тортиси, шубҳасиз. Биринчи галда бозорбоп, харидоргир, қолаверса, катта майдонларда қайта ишлашга мўлжалланган навлар парварилланмоқда. Ҳолдинг бу борада яна бир эътиборли ишни йўлга қўйганки, бу ҳам бўлса уруғчиликни шу ернинг ўзида йўлга қўйиш, янги навлар устида изланишлар олиб боришдир. Бунинг натижасида Арнасой тумани иқлимига мослаштирилган — “Агронур-78” нави яратилган бўлиб, унинг ўсув даври 110-120 кунни, бир тупда-

ги ҳосил 4-5 килограмни ташкил этади. Бу нав касалликларга чидамли, қайта ишлашга жуда қулайлиги билан аҳамиятли.

Шу сабабли ҳам асосий майдонларга айнан помидорнинг худди шу нави экилмоқда. Бундан ташқари, далаларга “РедСтар-F1”, “Рио-гранд” каби помидор навлари ҳам экилмоқда. Ушбу навлар ҳам бугунгача синовдан самарали ўтиб, соҳа илмий ходимлари томонидан тавсия этилган.

— Ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиш қишлоқ хўжалиғида катта аҳамиятга эга. Бугунги помидор экиш тадбирида 500 нафарга яқин мавсумий ва доимий ходимлар иштирок этмоқда. Ўтган йили 20 гектар помидор экилган бўлса, бу йил 50 гектарга етказишни режалаштирганмиз. Мазкур жараён орқали нафақат ҳосил олишни, балки замонавий агротехнологияларни амалиётга жорий этишни ҳам мақсад қилдик, — дейди BMB AGRO корхонаси бош директори Баҳром Қаршибоев.

Бир сўз билан айтганда, BMB HOLDING мақсади ички бозорда қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларига бўлган талабни тўла қондириш, мазкур маҳсулотларни чуқур қайта ишлаб, экспортга чиқариш, қолаверса, маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлаган ҳолда уларнинг турмуш фаровонлигини янада оширишдан иборатдир.

**BMB HOLDING**  
**медиа маркази.**

## ТЕЗКОР ПРОФИЛАКТИК ТАДБИР

## ГИЁҲҒУРУШЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

**Вилоят ички ишлар органлари ходимлари томонидан 15 апрелдан 15 майгача ўтказилган “Хавфсиз худуд — соғлом юрт” кенг қамровли тезкор-профилактик тадбири доирасида гиёҳванд моддалар билан боғлиқ бир қатор қонунбузарликлар содир этилганлиги аниқланди. Жумладан, шу тадбир давомида 10 грамм гашиш ва 45 туп каннабис ўсимлиги хужжатлаштириб олинган.**

Вилоятимиз худудида гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Хусусан, аҳоли, айниқса, ёшлар айти йўналишдаги жиноятчиликдан огоҳ этилиб, уларга ҳар қандай қонунбузарларга жазо муқаррарлиги уқтирилмоқда. Бу борадаги ишлар “Хавфсиз худуд — соғлом юрт” тезкор-профилактик тадбири доирасида янада кучайтирилган.

Жумладан, Жиззах шаҳрининг Ҳамид Олимжон маҳалласи худудида юрган фуқаро ички ишлар органлари ходимларида шубҳа уйғотган. У Шароф Рашидов тумани, Совунгарлик маҳалласида яшовчи, 1970 йилда туғилган фуқаро С.Т бўлиб, ҳолислар иштирокида шахсий тинтув қилинганда ёнидан 5 грамм оғирликда гашиш топилган.

Ана шу тадбир давомида Ҳа-

мид Олимжон маҳалласида истиқомат қилувчи 47 ёшли фуқаро Д.Б. ҳам 500 минг сўмга 3 грамм гашишни сотган вақти қўлга олинган.

Шу маҳаллада яшовчи, 1974 йилда туғилган оғуфруш Н.Р. ҳам ушланиб, ҳолислар иштирокида ўтказилган шахсий тинтувда ундан 2 грамм гашиш хужжатлаштириб олинган. Тезкор тадбир давомида 51 ёшли ушбу фуқаронинг яшаш хонадон ва ёрдамчи хўжаликлари ҳам кўздан кеңирилган. Айни чоғда у ҳовлисининг 2 метр квадрат майдонида жами 45 туп каннабисни экиб, парвариллаб келаётганлиги ойдинлашди.

Эндиликда ушбу шахслар қилмишлари учун жавоб беришларига тўғри келади. Қонунбузарлик учун эса жазо муқаррар.

**Бахтиёр ТОҒАЕВ,**  
**вилоят ИИБ ходими, капитан.**



## ҚЎМОНДОНЛИК-ШТАБ ЎҚУВ МАШҚИ

## МАҚСАД — ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРГА ҲОЗИРЛИК

доир ўқув машқ ва машғулотлари доимий равишда ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикаси Бош вазيري — Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2025 йил 16 январдаги “Аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2024 йилда бажарилган тадбирлар якуни ва 2025 йилдаги асосий вазифалар тўғрисида”ги тегишли буйруғига асосан Жиззах вилоятининг Бахмал туманида аҳоли ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда давлат бошқарув органлари худудий тизимларининг ҳаракатларини мувофиқлаштиришга бағишланган 3 кунлик қўмондонлик-штаб ўқув машқи бўлиб ўтди.

Мазкур ўқув машқига барча корхона, муассаса ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимлар қамраб олинди. Машғулотга жами 991 нафар шахсий таркиб, 2586 нафар кузатувчилар ва 120 та техника жалб этилди. Ўқув машқлари даво-

бир инсон қафолатли ҳимояланмаганини кўрсатди. Шунинг учун огоҳлик, фавқулодда вазиятларда қандай ҳаракат қилишни билиш ҳаётий заруратдир. Шу сабабли мавзуга

Кейинги йилларда дунёнинг турли минтақаларида, мамлакатимизда юз берган табиий, техноген офатлар бундай қутилмаган вазиятлардан ҳеч қайси худуд, ҳеч



## Бугун Жаҳон матбуоти

### эркинлиги куни

Эсимда, ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида собиқ иттифокда плюрализм, сўз эркинлиги, танқид ва ўз-ўзини танқид деган сўз ва иборалар йиғилишларда қайта-қайта такрорланиб, райком ва обкомларда матбуот нашрлари даврга ҳамқадам эмаслиги, уларда ёритилаётган мақолаларда танқид руҳи, фикрлар хилма-хиллиги етишмаётганлиги танқид остига олинар эди.

# ВИНДХУК ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҲОЗИРГИ ДАВРИМИЗ УЧУН ҲАМ МУҲИМ

Лекин барча матбуот нашрлари компартия назорати остида бўлиб, ёзилган танқидий мақолалар мафкура бўлимида қўриб чиқилиб, кейин газетада босишга рухсат бериларди. Аксарият ҳолларда нимадир етишмаётгани сабаб қилиб кўрсатилиб, мақола саҳифадан олиб ташланарди. Гоҳида қалтис мавзулардаги хатлар тахририятга келиб тушса, бирорта журналист масалани ўрганиб чиқиш учун юбориларди.

Мен Фориш туманининг "Чорвадор" газетасида "Хатлар ва меҳнаткашлар мурожаатлари билан ишлаш бўлимида" ишлардим. Тоғ орқаси — Қораабдол худудидан келган хатни муҳаррирга олиб кириб кўрсатдим. Хатда шифокор қарамагани учун ёш бола вафот этгани ҳақида баён қилинган эди. Муҳаррир хатни ўрганиб чиқиш учун бўлим муҳаррири Ўришбой Нуркуловга берди. Ўришбой ака жуда тажрибали, ҳақгуй ва касббининг ҳақиқий фидойиси эди. У 2-3 кун Қораабдолда юриб, воқеалар ривожини дурдай териб, мақола тайёрлаб келди. Ҳақиқатан ҳам шифокорнинг совуққонлиги туфайли бемор бола вафот этгани гувоҳларнинг тушунтириш хатлари, шифохонада беморни қабул қилиш вақти ва кўрилган чоралар ҳақидаги ҳужжатлардан қўчирмалар орқали исботлаб берилган эди. Хуллас, бу мақола катта шов-шувга сабаб бўлиши аниқ эди.

Мақола дарҳол босмахонага ўтказилиб, линотипда териш бошланди. Ўша кунларда газетамизнинг ҳар бир сониде битта ёки иккита "шов-шувли" мақола ёритилиб, нашр қўлма-қўл бўлиб кетарди. Агар Ўришбой аканинг мақоласи чиқса, шифокорнинг қамалиши аниқ, биз масъул котибининг хонасига йиғилиш шу маса-

лаларни муҳокама қилардик. Мақола териблиб, саҳифага қўйилди. Навбатчи газетани ўқиб, хатларини тузата бошлади.

Бир маҳал бош муҳаррир шошилиб босмахонага кириб, танқидий мақола қўйилган саҳифани чиқариб беришни сўради.

— Кимдир газетада танқидий мақола чиқаётганини райкомга келтириб, деган муҳаррир саҳифани райкомга олиб кетди. Кейин маълум бўлишича, шифокор партия аъзоси экан. Райком котиби мақолани саҳифадан олиб ташлаш ҳақида буйруқ берибди. Бош муҳаррирни роса "тузлабди". Муҳаррир кифти қисилиб тахририятга кириб келди. Унга ҳам қийинлигини яхши билардик. Ахир "Кимнинг аравасига чиқсанг, ўшанинг қўшигини айтасан" деган гап бор. Муҳаррирни райком тайинлайди, тахририятга ёнбосса, бирор баҳона топиб райком ишдан олиб ташлайди. Райкомнинг айтганини қилса, бу ёқда касбдошлари...

Мақола газетада чиқмади. Ўша воқеадан кейин ҳам ҳар ҳафта бўлмаса ҳам ҳар 10-15 кунда ёзилган танқидий мақолалар райкомда муҳокама қилиниб, гуллаб-яшнаётган жамиятнинг кўрөлмаётган журналистлар лаънат "ўқи"га дучор бўлишарди.

Мустақил ва плюралистик Африка матбуотини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Виндхук декларацияси Намибияда қабул қилинган 1991 йил 3 май санаси — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни деб эълон қилингани бежиз эмас. Чунки мазкур декларацияда баён этилган матбуот эркинлигини таъминлашга доир талаблар БМТ Бош Ассамблеяси мақоласи чиқса, шифокорнинг қамалиши аниқ, биз масъул котибининг хонасига йиғилиш шу маса-

Виндхук декларациясининг 1-бандида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19-моддасига мувофиқ мустақил, плюралистик ва эркин матбуотни таъсис этиш, қўллаб-қувватлаш ва кучайтириш миллат демократиясини ва иқтисодий тараққиётини ривожлантириш ҳамда рағбатлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Бизнинг бу борадаги ёндашувимиз ҳам айнан шундай. Яъни сўз ва матбуот эркинлиги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлагана

нидек, "Аччиқ ва танқидий материаллар жойлардаги қўллаб-амалдорларга ёқмаслиги, уларнинг тинчи ва ҳаловатини бузаётгани ҳам бор гап. Лекин ошқоралик ва сўз эркинлиги — давр талаби, бу — Ўзбекистондаги ислохотларнинг талаби".

Виндхук декларациясининг 2-бандига кўра: Мустақил матбуот деганда биз давлатдан, сиёсий ва иқтисодий назоратдан, газеталар, журналлар ва даврий нашрлар ишлаб чиқариш ва тарқатиш учун зарур материаллар ҳамда инфратузилмалар устидан назорат ўрнатилишидан мустақил бўлган матбуотни тушунамиз".

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Холис ва адолатли журналист ва блогерларнинг танқидий чиқишлари эскича қоллида ишлайдиган раҳбарларнинг фаолиятидаги хато-камчиликларни кўрсатиб, уларнинг иш услубини ўзгартириш ва масъулиятини оширишга мажбур қилмоқда. Бундан буён ҳар бир давлат органи ўз қундалиқ фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур ва шарт", деган фикрларидан ҳам худди шу маъно келиб чиқади.

Бугунги кунда мамлакатимиз тараққиёти, янгилиниш ва ислохотлар самарасини ёритишда бошқа институтларга қараганда ОАВ вакилларининг меҳнати кўпроқ сингмоқда. Ахборот майдони ҳам кун сайин кенгайиб бормоқда. Бу ҳар бир журналистдан, репортёрдан маълумотларни бўяб-бежамасдан оммага ҳаққоний, рўйирист етказиб бериш масъулиятини талаб қилади.

Асад МУСТАФОЕВ, журналист.

## ФАХРИЙЛАР — ФАХРИМИЗ

# Эл ардоғидаги инсон

Низомжон Жиззахдаги Ҳамид Олимжон номли педагогика техникумида ўқиб юрган чоғлари эди. Математика фани ўқитувчиси Қудрат Маматкулов уни чақириб, дарсларни чуқур ўзлаштирган ҳолда пухта тайёргарлик кўриб, вилоят олимпиадасида қатнашишини айтди. Низомжон ҳозирлик кўришга бутун вужуди билан киришди. Муаллим ҳам у билан бир неча марта кўшимча дарслар ўтди.

Нихоят устоз ва шогирд Самарқандга жўнашди. Жиззахдан икки ўқувчи борган эди. Олимпиадада қатнашчилари сони эса юздан зиёд. Қаҳрамонимиз берилган масала ва мисолларни тўғри ишлади. Саволларга бурро-бурро жавоб берди. Шунда комиссия аъзоларидан бири шерикларига қараб: "Бўладиган болага ўхшайди, ўз устиде кўпроқ ишлаши керак", — деди. Сўнг Низомжонни саволга тутди: — Математикани яхши кўрасанми?

— Жуда ҳам...

— Унда билиб қўй. Дунёнинг тош-тарозиси математика билан ўлчанарди.

Шу воқеадан сўнг Низом Абдусаматов математика фанига ўзгача меҳр қўйди. Ҳали ўқитувчи дарс ўтмасданок, китобдаги масала ва мисолларни ўзи ишлаб кўярди. Жиддий изланишчари натижа берди. Республика Халқ таълими вазирлигининг аниқ фанлар бўйича ўтказган бешлашувиде иккинчи ўринни олди. Сал ўтиб, уни Самарқандга чақирдишди. Вилоят халқ таълими бўлимининг мудир унга китоблар жамламаси ва шахмат тахтасини кўп сонли ўқитувчи ва ўқувчилар орасиде топширди. Низомжонга табасум билан боққанча деди: "Кучли математик — кучли шахматчи бўлиши керак. Ишонаман, сен шахматда ҳам голиб бўласан".

1951 йил. Н.Абдусаматов билан юртини имтиёзли диплом билан тамомлаб, Жиззах (ҳозирги Шароф Рашидов) туманидаги 24-мактабда бошлангич синф ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлади. У пайтлар мактабларда дарсликлари етишмас, кўргазмалар воситалар деярли йўқ эди. У дарсдан бўш вақтларини кўргазмалар қуроллар, диаграммалар тайёрлашга сарфлади. Негаки, оғзаки ай-

тилган сўздан кўра кўргазмалар дарслар ўқувчи ёдиде яхши сақланиб қолади. Муаллим мактабда бир йил ҳавас ва иштиёқ билан ишлади, лекин унинг қалбиде янада каттароқ орзулар тугғин урарди. Олий мактабда ўқишни истарди. Шу эзгу ният уни 1952 йлда Тошкент молия институтига етаклади. Имтиҳонлардан ўтиб, банк соҳаси мутахассислиги бўйича ўқий бошлади. Ҳам қувончли, ҳам ҳаловатсиз талабалик даври бошланди. Ўқув йилининг бир-икки ойи пахта даласиде, уч-тўрт ойи таъмирталаб, совуқ аудиторияларда ўтарди. Шунтош-тарозиси математика билан ўлчанарди.

1956 йилда институт дипломи билан Иштихон тумани давлат банкида бошқарувчи бўлиб иш бошлади. "Банкмиз эски, мўъжас бинога жойлашган эди. Мутахассислар жуда кам, шу сабабли 15 киши бажарадиган вазифани 6-7 киши елиб-югуриб бажарарди. Меҳнат жамоаларининг маошларини тўлаш учун баъзан банкда маблағ бўлмас эди", — деб эслайди Н.Абдусаматов ўша даврини.

1960 йилда ёш мутахассисни Пайриқ туманига банк раҳбари қилиб тайинлашди. У ерда ҳам шу аҳвол. Банк тизимини тушунадиган кадрлар санокли эди. Н.Абдусаматов иш вақти тугагач, 2-3 соат ходимларга банк бўйича дарс ўтарди. У идорада ҳам бошлиқ, ҳам ўқитувчи эди дейиш мумкин. Шу таразда кадрларни соҳага йўналтирарди.

1960 йилларда Жиззах шаҳри кенгайиб, меҳнат жамоалари кескин кўпайди. Эндиликда ишнинг кўзини биладиган, тажрибали мутахассис давлат банкни бошқариши лозим. Бу лавозимга Н.Абдусаматов так-



лиф этилди. Вилоят раҳбари уни чақириб, муҳим топшириқ берди.

— Шаҳар банки улгуролмаяпти. Тез орада Пахтакор, Дўстлик, Арнасой, Мирзачўл туманларида давлат банки бўлимларини ташкил этишимиз керак. Бу ишни сизга топширамиз. Билим, тажрибангиз етарли. Ўзингиз бошқараётган шаҳар банки мутахассислари кўмағиде ўшбу туманларда банк очишга ёрдам берасиз.

У бу масъулиятли ишни эплади. Бирин-кетин туманлар ўз банкига эга бўлди. Тизимдаги ходимларни ўқитиш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш учун соҳага доир йирик мутахассисларга ехтиёж тугилди. Шунинг назарда тутиб, Н.Абдусаматов 1978 йилда Москва олий молия академиясига ўқишга юборилди. Москвадан "Банк аълочиси" кўрак нишони билан тақдирланиб келган катта мутахассис "Джизактепстрой" бош бошқармасига хизмат қиладиган янги банкка бошқарувчи этиб тайинлан-ди.

У бу улкан жамоага хизмат қилувчи банкка тўққиз йил етакчилик қилди. Қўлнн ўзлаштириш билан боғлиқ жиддий муаммоларнинг ечими кўпинча банк билан боғлиқ бўларди. У шундай пайтларда кунни тунга улаб ишлади. Қўлуварлар билан бир сафда бўлди. Банк ташкилотларга маблағ бергач, индамай қараб турмасди. Берилган ресурслар фақат мақсадли сарфланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиларди.

Шу сабабли кўпчилик раҳбарлар маблагларни қинғир йўллар учун ишлатишдан тийилишар эди.

1993 йил. Н.Абдусаматов хурмат билан пенсияга чиқарилди. Лекин пенсияга чиқиб, қўл қовуштириб ўтиришга унинг имкони бўлмади. Ўша йиллар тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида Жиззах вилоятида "Тадбиркорбанк" тизими йўлга қўйилди. Вилоят раҳбарининг тавсияси ва қўллаб-қувватлаши билан бу ерда ҳам олти йил қизгин фаолият кўрсатди.

Отахон бугунги кунда фарзандлари ва неваре-эваралари бағрида бахтли кексалик гаштини сураятти. Шунга қарамай, у жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Жиззах шаҳар ҳокимлиги қошидаги жамоатчилик кенгаши раиси, ўзи истиколат қилаётган "Обод" маҳалласи кексалар гуруҳининг аъзоси сифатиде ёшлар ўртасиде ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, тўй-ҳашамларнинг камчилиги ўтказилишида бош-қош бўляпти.

Низом ота ўз фарзандларини ҳам давримизнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялади. Ўғиллари Найим ва Бахтиёр ички ишлар тизимиде самарали хизмат қилишди. Қизлари Нодира врач, Назира ўқитувчи, қолган фарзандлари ҳам халқ хўжалигининг турли тармоқларида самарали меҳнат қилишмоқда.

Қаҳрамонимизнинг узоқ йиллик хизматлари, фронт ортидаги фидокорона меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб эътироф этилмоқда. У республика ҳукумати ва вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари, "Меҳнат фахрийси" кўрак нишони билан тақдирланган. Эл ардоғидеги отахон шу кунларда ўзининг 95 ёшарини қаршляяпти. Биз бу баъррук инсонга узоқ умр, сихат-саломатлик, набиралар ардоғиде яна кўп йиллар кексалик гаштини суришини талаб қоламиз.

Абдулла АҲМАД, "Жиззах ҳақиқати" — "Джиззаксая правда" газеталари Нурунийлар кенгашининг раиси.

## МУЛОҲАЗА, МУАММО, ТАКЛИФ

Кўшиларимиздан бири салом-алиқдан сўнг "Ота-оналар мажлиси экан, мактабга шошяпман", деди ҳовлиқиб.

— Янгамни юбормайсизми, сизга зарилми, нимагадир пул йиғилади барибир, — деди маҳалладошлардан бири.

— Э қўшни, нималар деяпсиз. Ахир ўғлим ҳам қизим ҳам шу мактабда ўқиса, уларнинг қандай ўқиётганидан хабардор бўлишим керак-ку. Ўтган гал онаси борганди...

Қўшимнинг бу ишга кимдир кулди, кимдир ҳавас қилди, аммо фарзандларнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ мажлисини эътиборсиз қолдирмаган отага хурматим ортди. Дарҳақиқат, негадир кўпчилик ота-оналар фарзандининг мактабиде ўтадиган йиғилишларга лоқайд қарайди. Дейлик, боламиз бугун мактабдан янги бир вазифа билан уйга келди. Роса уриняпти-ю, аммо ўша вазифани бажаришга қўйналяпти. Охири бизнинг олдимизга келиб, дадажон, мана шу мисолнинг жавобини ечолмаяпман, қарашиб юборинг, ўргатиб қўйинг дейди.

Шунда биз нима деймиз? Бор, онангга айт, мен чарчаганман, бошимни қотирма деймиз. Аммо телевизор кўришга, сериал ва киноларни томоша қилишга, соатлаб телефонда гаплашишга вақт топамиз, бошимиз қотмайди. Аммо ўзимизнинг муҳим вазифамиз ва масъулиятимиз бўлган фарзандимизнинг тарбиясига, ўқишига бепарвоимиз.

Дадажон, эртага мактабда ота-оналар мажлиси бўлар экан, илтимос, бориб келинг деса, нималар деяпсан?! Қанақа мажлис?! Мажлис-пажлисга вақтим йўқ, ана, онанг бориб келсин, деймиз.

Шу каби мажлисларга бориб, боламизнинг ўқитувчилари, мураббийлари билан гаплашиб, улардан боламиз қандай ўқиётгани, нималарни

бизга қизиги йўқми?! Баъзи оталар борки, ҳар куни фарзандларининг бугун нима дарс ўтганини, нималарни ўрганганини сўрайди. Уларни қийнаган масалада ёрдамлашади. Доим

қизим бундай бўлиб ўсди экан? дея зорланамиз. Ваҳоланки, бир пайтлари ёмон ўртоқлари ва ахлоқсиз дўгоналари билан юрганини билиб турсак ҳам индамадик ёки бу ҳақида сурштирмадик. Энди бошимизни чангаллаб ўтирибмиз.

Дарҳақиқат, барчамиз фарзанди-

ди, ота-оналар эшитади. Мажлис дегани баҳс-мунозараларга бой бўлса. Ана шунда ўқиш ва ўқитиш жараёнида баъзи муаммолар ечими топилаптими? Бунинг учун эса мактаб ҳам шундай йиғилишларга алоҳида тайёргарлик кўриши, изланиш қилиши керак.

# Ота-оналар мажлиси:

## унда қандай масалалар ҳал қилинади?



ўзлаштираётгани, нималарда оқсаётгани, қандай ёрдам кераклиги ҳақида сўраш эсимизга ҳам келмайди. Ахир боламизнинг нима ўқиётгани, қандай ўзлаштираётгани биз учун қизиқмасми?! Шунчаки ҳамма қатори мактабга бориб келса бўлдими?! Келажакда қандай инсон бўлишининг

уларнинг тарбияси, ўқиш иши назорат қилиб боришди. Ўғилларимиз кимлар билан дўст бўляпти, кимлар билан нималарни гаплашяпти, ёмон одатларга, ичиш, чекиш каби иллатларга ўрганмаяптими, телефониде нималарни сақлаб, қандай видео-ролик ва су-

ратларни кўриб юрибди, мана буларни назорат қилиш, сураб-суриштириш, доим шу нарсаларга қизиқиб, масъулиятни ҳис қилишимиз бизнинг энг муҳим вазифаларимиздандир. Эртага ўғлимиз ёки қизимиз бирор ноҳўя иш қилса, нега ўғлим бундай қилди экан?, нима учун

мизни жуда катта орзулар билан вояга етказамиз. Аммо мактабда йилда 5-6 марта бўладиган ота-оналар мажлисига боришга оғринамиз. Борсак ҳам мажлисининг тезроқ туганиши истаймиз — кимдир овқат қилишга шошади, кимдир меҳмон кутаётганини, яна кимдир меҳмонга бориш кераклигини рўқач қилади. Гўёки меҳмондорчилик, гап-гаштак боланинг келажаги, ўқшидан ҳам муҳимдек. Ахир, боланинг етарлича билим олишига фақат ўқитувчи жа-воблар эмас-ку.

— Ота-оналар мажлисига бориш мен учун жуда зерикарли, — дейди ёш оналардан бири Инобат Гафорова. — Болаларнинг ўқиши, ўзлаштирилиши бир четда қолиб, асосан, тўполончи болалар муҳокама қилинади. Кейин пул йиғди-йиғди, мактаб таъмири, байрамларга кўп урғу бериларди. Мен хоҳлардимки, ўқитувчилар ота-оналардан фарзандининг китобча қизикити, кутубхонага аъзолиги борми-йўқми, қайси тўғарақларга бериши мумкинлигини муҳокама қилишса. Биламиди, мен учун ота-оналар мажлиси жуда эски қоллида ўтадигандек, бирор янгилик йўқ... Ҳар гал мажлисда ўқитувчи гапирар-

Ҳа, масаланинг бу жиҳати ҳам бор. Яъни, ота-оналар мажлисига на ўқитувчилар, на таълиф қилинганлар томонидан креатив ёндашув йўқ. Балки шунинг учун ҳам мажлисга ота-оналарни қизиктириш қийиндир. Яқинда ўзим ҳам ота-оналар мажлисида қатнашдим. Ўйлаганимдек синф раҳбари ҳар бир ўқувчининг феъл-атвори, хулқи, билими, одоби, қўйинги, барча камчилиги-ю фазилатларини санаб ўтмади. Ўқувчи-қизларнинг барчаси бирдек яхши дея таърифланди, ўғил болалар одоби, билимига қараб, уч тоифага ажратилиб, яхши, дангасароқ жанжалкаш-тўполончи ўқувчиларга бироз шўҳроқ таърифлари берилди. Шу билан барча ўқувчилар тўғрисидаги "хисобот" тугади. Ота-оналар мажлиси шу қадар қисқа бўлади, деб сира ўйламаган эканман. Мажлисга 35 нафар ўқувчининг тўққиз нафар онаси қатнашди. Ҳар сафар шундай. Ҳар гал оналар қатнашади. Йўл-йўлакай эшитганим икки онанинг гапларига қўшилмай илож йўқ: "Ота-оналарнинг энг шошилмай диган ва ҳафсаласизлик билан борадиган жўй мана шу ота-оналар мажлиси". Тўғри-да, худдики ҳар куни мажлис бўлаётгандек

ота-оналар бу йиғилишга жуда оғриниб борганини, аниқроғи, вақт тополмаганини жуда кўп кузатганмиз. Наҳотки фарзандининг ахлоқи, ўқиши, умуман таълим даргоҳидеги қизиқишлари ва муаммолари баъзи ота-оналарни қизиктирмаса.

Мактабдаги мажлисларни ўзгача услубда ўтказишнинг ўзи бир масала. Шунда ўйлаб қолсан. Балки мактабларда мажлисларни ўтказишнинг янги методларини ишлаб чиқиш керакдир. Шу ўринда яна бир гап, ўқувчига уйга вазифа берилади, кейинги дарсда топшириқнинг жавоби сўралади. Шу усул ўқув йили давомида ўтказиладиган ота-оналар мажлисида ҳам қўлланса. Мажлисларда ота-онасининг кўнглига қаттиқ тегади, кўпчиликнинг олдида изза бўлади, демасдан фарзандининг ютуқ-камчилигини, нимага кўпроқ қизикшини рўйирист айтишса. Кейинги мажлисда ота-оналар фарзандининг ютуқ-камчиликлари билан шуғулланганими ёки йўқми, натижаси ҳақида айтилса, барча учун фойдали эмасми? Балки ота-онаси ўқиши билан қизикаётганини кўрган фарзанд учун бу алоҳида рағбат бўлармиди? Аслида ота-оналар мажлиси ўқитувчи, ота-она ва фарзанд ўртасидеги муносабатларнинг янада ақинлаштишига хизмат қилиши керак деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, ота-она ва фарзанд орасидеги муносабат шу қадар нозик масалаки, кези келганда у жамиятга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Шундай экан, тарбия мувозанати барқарор бўлишида ота-она ва устозлар ҳамкорлиги самарали бўлиши керак. Хулоса қилиб айтганда, фарзандингизга дунё олиб берманг. Аксинча, сиз уларнинг дунёсига айланг, у билан яшашга ҳаракат қилинг. Дилбандингиз юриш-туришидан терговчи сифатиде эмас, балки дўстона бохабар бўлиб туринг. Зеро, гамхўрлигингиз болангиз келажагига путур етказмасин.

Шаҳноза ЮЛДАШЕВА, ("Жиззах ҳақиқати")





# Besh tashabbus — Bosh tashabbus



Oliy ta'lim



## SALOHİYATLI VA YETUK KADRLAR barqaror rivojlanish garovi

Ilm-fanning sir-asrorlarini doimiy isloh qilib borish, jumladan, iqtisodiyot tarmoqlari, kimyoviy texnologiya, qurilish materiallarini ishlab chiqarish, metallurgiya, neft va gazni qayta ishlash, kimyo muhandisligi sohasini jadal rivojlantirish, ilmiy-intellektual resurslarni to'liq safarbar etgan holda ilmiy-innovatsion salohiyatdan keng foydalanish oliy ta'lim tizimiga aniq vazifalarni ko'yimoqda. Tashkil etilganiga uch yil bo'lgan kimyo muhandisligi fakultetimiz ilmiy salohiyatni yuksaltirish, ilmiy darajalilar sonini oshirish maqsadida belgilangan reja asosida samarali faoliyat olib borayapti.

Fakultetimiz professor-o'qituvchilarining ilmiy salohiyati 20 foizdan 42 foizga ko'tarilib, 2030-yilgacha 70 foizga yetkazishni o'z oldimizga maqsadli reja qilib olganmiz. Professor-o'qituvchilar, ilmiy izlanuvchilarning yuqori impakt-faktorga ega nufuzli xalqaro ilmiy jurnallarda chop etilgan maqolalari va ularda iqtiboslik ko'rsatkichlarining oshishi har bir tadqiqotlarning ilmiy, innovatsion va dolzarb ma'lumotlarga asoslangan bo'lishini talab etadi.

2024-yildagi xalqaro reytinglarga ko'ra, "Kimyo muhandisligi" fakulteti professor-o'qituvchilarining ilmiy izlanishlariga ko'rsatilgan ehtiyojlar soni 2500 dan ortiq, "Web of Science", "Scopus" va Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi ro'y-xatiga kiritilgan jurnallarda chop etilgan ilmiy maqolalar soni 500 ga yaqinni tashkil etdi. Shuningdek, o'tgan yil davomida fakultetimiz professor-o'qituvchilari tomonidan yetishmayotgan 24 ta darslik, 42 ta o'quv qo'llanma

yaratilib, ulardan o'quv jarayonida keng foydalanilmoqda.

Bugungi zamon talabidan kelib chiqib intellektual salohiyatli kadrlarni tayyorlashda fakultet tasarrufidagi laboratoriyalarda Germaniya, Xitoy, Rossiya, Koreya, Turkiya, Gollandiya kabi rivojlangan davlatlarda ishlab chiqarilgan laboratoriya jihozlari olib kelinib, undan talabalar, magistr va ilmiy izlanuvchi professor-o'qituvchilar o'quv jarayoni, ilmiy tadqiqot ishlarida unumli foydalanib kelishmoqda. Ilmiy-o'quv laboratoriyalari akademik muhitning rivojlanish markazi bo'lib, o'qituvchi, tadqiqotchi, doktorant va talabalarining turli xil yo'nalishda yaratadigan ixtirolarining boshlanish nuqtasidir. Fakultetda ta'lim yo'nalishlari bo'yicha 12 ta laboratoriya xonalari mavjud bo'lib, so'nggi ikki yil ichida Osiyo taraqqiyot banki ko'magida 1,5 mlrd dollarga xarid qilingan jihozlar bugungi kunda ko'plab tadqiqotlar uchun xizmat qilmoqda. 2024-yilda fakultetning iqtidorli talabalaridan Farangiz Mamatova Beruniy nomidagi davlat stipendiyasi sohibasi, Umida Jo'rayeva Islom

Karimov nomli stipendiya sohibi bo'ldilar. O'tgan yilda fakultetimizning 4 nafar talabasi Mirzo Ulug'bek vorislar tanlovining viloyat bosqichi g'olibi bo'ldi. Yana bir talabamiz Rauf Ahmedov respublika tanlovida qurilish materiallarini ishlab chiqarishdagi "START-AP" loyihasida g'olib bo'lib, 4 000 000 so'mlik pul mukofotini qo'lga kiritdi. Xalqaro hamkorlik bo'yicha fakultetimiz bugungi kunda 10 ga yaqin xorijiy davlatlarning oliy ta'lim muassasalari bilan o'zaro hamkorlik ishlarini olib bormoqda. Kelajakdagi maqsadimiz tadqiqotchilik salohiyatiga, o'z ustida ishlash va liderlik qobiliyatiga ega, kasbiy chegaralardan tashqarida ham bemalol faoliyat olib bora oladigan, o'zgaruvchan dunyo talablariga javob bera oluvchi, o'z ustida ishlashga intiluvchi, har tomonlama rivojlangan barkamol shaxsni shakllantirishdir. Jamoamizning har bir a'zosi bugun davlatimiz tomonidan oliy ta'lim tizimi oldiga qo'yilayotgan vazifalarni chuqur anglagan holda, katta mas'uliyat bilan islohotlarni amalga oshirishga hissa qo'shishni o'z burchi deb biladi.

**Mirkomil MIRZABEKOV,  
JIZPI kimyo muhandisligi  
fakulteti dekani.**

TO'YXAT O'RNIDA

## Bixning Abdurashid aka



Tahririyatning texnik xodimi Abdurashid Ortiqboyev 11 yildirki, jamoa bilan birga. 60 yoshlik yubileyini nishonlayotgan jamoamizning sochlarida oq yo'qligi, bahor oftobi allaqachon qoraytirgan yuzlarining doim kulib turishi ham keng fe'lidan aslida. Shikoyat qilishdan ko'ra yo'qni mehnat bilan yo'ndirish Abdurashid akaga xos. Tomorgasida kartoshkaning bo'yi balandlab qoldi, sabzavotlar ham to'lig'icha uyidan chiqadi. Bozordan ayrim narsalarni xarid qilishini aytmasa, yetti xazinaning barisi uyida muhayyo.

Sharof Rashidov tumanidagi tabiati go'zal, shahardan anchagina chetda joylashgan Qorasiyrog' qishlog'ida yashashga qaramay, hali biron marta ishga kechikib

kelgan emas. Bilsangiz, bu qishloqqa bir kunda faqat bir marta avtobos qatnaydi. Turmush o'rtog'i Nargiza yanga ham o'zi kabi juda yaxshi inson. Birinchi turmush o'rtog'i, to'rt qizining onasi Dilorom opa 26 yillik turmushdan so'ng to'satdan vafot etdi. Taqdir ekan, ikkinchi turmushdan ham ikki nafar qizalog'i bor. Nargiza opa to'rtala qizni ham o'z farzandiday ko'rib uzatdi, sepsidirdig'asini eldan kam qilmadi. Ularga ona mehriini bera oldi. Bugun ularning 10 nafar nevarasi bor. Abdurashid aka qizlarini ham, nevaralarini ham juda yaxshi ko'radi. Ularni ko'z qorachig'iday asrab, yaxshi tarbiya berdi.

60 yoshda ham yoshlardek g'ayratli, ochiq yuzli, andishali va mehribon jamoadoshimizni tavallud ayyomi bilan chin dildan kutlar ekanmiz, sog'lik-salomatlik, bag'ri butunlik, oilisiga tinchlik-xotirjamlik, farovonlik tilaymiz. Hamisha bor bo'ling, farzandlaringiz ardog'ida, el hurmatida bo'ling deymiz, keksalik ostonasini hatlab, pensionerlar safiga qo'shilyotgan Abdurashid Ortiqboyevga.

Yoshlarga namuna bo'lishda davom eting, g'ayrat-shijoat, sog'lik-salomatlik Sizga doimiy hamroh bo'lsin!

**"Jizzax haqiqati" — "Джизакская правда" gazetalar tahririyati jamoasi.**

DOLZARB MAVZU

## Rahbar kreativligi — davrl talabi

Barchamizga ma'lumki bugungi kunda rahbarlikka faqat kasbiy faoliyat sifatida qarab kelinmoqda. So'nggi yillarda mazkur soha mutaxassislari uzoq tortishuvlardan so'ng ushbu tushunchalarni "mansabdor shaxs va boshqaruv funksiyasini bajaruvchi shaxs" sifatida talqin qilishmoqda. Rahbariyat — boshqaruv tizimi asosida faoliyat ko'rsatuvchi eng kichik, ko'p tarmoqli tashkilot va uyushmalardan tortib, davlat va jamiyat doirasida yirik tuzilmalargacha barcha idoralarga xos rahbarliklardan iborat guruhni ifodalaydi. Unda rahbarlik va rahbariyatdan farqli ravishda bir-biriga bo'ysunuvchi yoki parallel ish olib boruvchi tarmoqlar va ularni birlashtiruvchi tuzilmalar faoliyati asosiy masala bo'lib, ko'pchilik shaxslardan tashkil topgan bunday tizimda bir kishining emas, balki butun bir tuzilmaning xususiyatlari hamda faoliyati bosh masala hisoblanadi.

Rahbarlik har qanday ijtimoiy guruhda taraqqiyotga intilishning siyosiy jihatdan strategik, taktik yo'nalishlarini, huquqiy jihatdan faoliyat imkoniyatlarini va chegaralarini, iqtisodiy jihatdan shart-sharoitlari, moddiy asoslari va mahsulotlarini, ma'naviy jihatdan esa tarbiyaviy, madaniy-ma'rifiy darajasini shakllantirishda yetakchi o'rin tutadi. Bu esa rahbardan yuksak aql-zakovat, keng dunyoqarash, rahbarshunoslik fani doirasida erishilgan barcha yutuqlardan, zamonaviy ma'lumotlardan xabardor bo'lishni talab etadi. Ayniqsa, pedagogika oliy ta'lim muassasalari ta'lim jarayonini tashkil etishda ushbu masala o'ziga xos yondashuvlar olib borishlarini taqozo etadi.

Ma'lumki, pedagogning kreativlik sifatlariga ega bo'lishi uning shaxsiy qobiliyatini, tabiiy va ijtimoiy quvvatini, kasbiy faoliyatini sifatli, samarali tashkil etishga yo'naltiradi. Oliy ta'lim tizimida faoliyat yuritayotgan pedagoglarning kreativlik sifatlariga ega bo'lishlari ularda o'quv-tarbiya jarayonlarini tashkil etishga an'anaviy yondashishdan farqli yangi g'oyalarni yaratish, bir qolipda fikrlamaslik, o'ziga xoslik, tashabbuskorlik, noaniqlikka toqat qilmaslikka yordam beradi.

Odatda pedagoglarning kreativlik qobiliyatiga ega bo'lishlari pedagogik muammolarni hal qilishga intilish, ilmiy-tadqiqot ishlari yoki ilmiy loyihalarni amalga

oshirish va o'zaro ijodiy hamkorlikka erishishlari orqali ta'minlanadi. Pedagog o'z-o'zidan ijodkor bo'lib qolmaydi. Uning ijodkorlik qobiliyati ma'lum vaqt ichida izchil o'qib-o'rganish, o'z ustida ishlash orqali shakllantiriladi va u asta-sekin takomillashib, rivojlanib boradi. Har qanday mutaxassisda bo'lgani kabi bo'lajak pedagoglarning kreativlik qobiliyatiga ega bo'lishlari uchun talabalik yillarida poydevor qo'yiladi va kasbiy faoliyatni tashkil etishda izchil rivojlantirib boriladi. Bunda pedagogning o'zini o'zi ijodiy yo'naltirishi va bu faoliyatni samarali tashkil eta olishi muhim ahamiyatga ega. Muammoli masala va vaziyatlarni hal qilish ekan, pedagogning masala yechimini topishga ijodiy yondashishi unda hissiy-irodaviy sifatlarining rivojlanishiga yordam beradi. Xulosa shuki, pedagog o'z oldiga muammoli masalalarni qo'yish orqali mavjud bilimlari va hayotiy tajribalariga zid bo'lgan dalillar bilan to'qnash keladi. Buning natijasida o'z ustida ishlash, mustaqil o'qib o'rganishga nisbatan ehtiyoj sezadi. Pedagogning ilmiy-tadqiqot ishlari va ilmiy yoki ijodiy loyihalarni amalga oshirishi unda kreativlik potentsialini yanada rivojlantiradi.

**Feruza RAXMATOVA,  
JDPUNing pedagogika ta'limi  
nazariyasi kafedrasini mudiri.  
Feruza SADRIDINOVA,  
kafedra dotsenti.**

Xotira

## Jizzaxda xalqaro boks turniri

Jizzax shahrida boks bo'yicha ilk marotaba Jizzax boks asoschilaridan biri, "Shuhrat" medali sohibi Vissarion Gerenovich Xan xotirasiga bag'ishlangan xalqaro turnir boshlandi.

Samarqand shahridagi Mehribonlik uyi tarbiyalanuvchisi Vissarion Xan SamDUni imtiyozli diplom bilan bitirib, Jizzaxga ishlagini keladi. Yosh murabbiy mahalliy o'g'il-qizlar, yig'itlarga boks sirlarini o'rgatib boshladi. Boshqacha aytganda, Xan Jizzax boks maktabining asoschilaridan biri sanaladi. Uning shogirdlari orasida boks bo'yicha O'zbekiston milliy terma jamoasini o'n yildan ortiq boshqargan, O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan murabbiy Sharof Xudoyberdiyev ham bor. Xalqaro toifadagi sport ustasi Lazizbek Zokirov 1998-yilda Jahon kubogi sohibi bo'ldi. IBA xalqaro toifadagi murabbiy va hakamlar Shavkat Badalov, Sobirjon Hakimov, Qahramon Karimov ham uning shogirdlari hisoblanadi. Bu ro'yxatni yana uzoq davom ettirish mumkin.

Darvoqe, Vissarion Gerenovich umrining so'nggi yillarida, yoshi 70 dan oshganida ham, yoshlar o'rtasida ikki karra jahon chempioni bo'lgan aka-singil Jahongir va Aziza Zokirovalarga ustozlik qilgandi. Afsuski, bevaqt o'lim uning oramizdan olib ketdi...

Viloyat ixtisoslashtirilgan yakkakurash sport maktabining boks zalida boshlangan musobaqada Qozog'iston,

Tojikiston respublikalari hamda Toshkent viloyati va shahri, Samarqand, Sirdaryo viloyatlari hamda viloyatimizning ko'plab tumanlaridan 2007-2008 va 2009-2010-yillarda tug'ilgan 130 nafardan ortiq bokschi ishtirok etmoqda.

Musobaqaning ochilish marosimida so'zga chiqqanlar — viloyat sport boshqarmasi boshlig'i Jaloliddin O'ktamov, O'zbekiston boks federatsiyasi Jizzax viloyat bo'limi rahbari Akmal Mahkamov, Sidney Olimpiadasi bronza medali sohibi Rustam Saidovning ustozi Maxmud Xodjayev murabbiylar, hakamlar, ishtirokchilar, turnir mehmonlari va ko'plab muxlislarni musobaqa boshlanishi bilan tabriklar ekan, Vissarion Xanning nafaqat Jizzax, balki butun o'zbek boksining rivojlanishidagi ulkan xizmatlari, O'zbekistonda yuldan dunyoga mashhur qilgan iqtidorli shogirdlari haqida so'zlab berdilar.

Musobaqa davom etmoqda. Final janglari va g'oliblarni taqdirlash marosimi joriy yilning 5-may, dushanba kuni bo'lib o'tadi.

**Ulug'bek DAMINOV.  
("Джизакская правда")**

DXX KUBOGI

## Bellashuvlar davom etmoqda

Viloyatimiz bo'ylab iqtidorli havaskor futbolchilarni aniqlash va ularning qobiliyatlarini qo'llab-quvvatlash maqsadida tashkil etilayotgan "Davlat xavfsizlik xizmati kubogi" musobaqasi ayni paytda qizg'in pallaga kirgan. Navqiron avlod vakillari futbol hamda mini-futbol sport turlari bo'yicha murosasiz bellashuvlarda o'z iste'dodlarini namoyish etishayapti.

Xususan, ZARBODOR TUMANIDA ushbu musobaqaning joriy mavsumida 24 ta mahalladan tuzilgan jamoalar tarkibidagi mingdan ziyod yoshlar futbol va mini-futbol bo'yicha keyingi bosqich yo'lida bahslarga kirishgan.

Tuman sport majmuasida futbol bo'yicha ikkinchi tur doirasida bo'lib o'tgan Andijon hamda Nurafshon mahallalari jamoalari o'rtasidagi uchrashuv keskin va murosasiz kurashlarga boy o'tdi. Dastlab Nurafshon yoshlari o'yinni ancha faol tarzda boshlab raqib darvozasiga ikkita tezkor gol yo'l-lashdi. O'tkazib yuborilgan to'plardan so'ng andijonliklar tezda o'ziga kelib, ustunlikni egallashdi va birinchi bo'lim oxirigacha farqni penaltidan kiritilgan gol evaziga qisqartirishni uddalashdi. Ikkinchi bo'lim Andijon mahallasi jamoasining raqib jarima maydonchasi atrofida sodir etgan ketma-ket xavfli vaziyatlari bilan boshlandi. Buning natijasi o'laroq, anchayin tartibli o'yin ko'rsatgan andijonliklar yana uchta to'p kiritib, g'alabani o'z tomoniga og'dirishga muvaffaq bo'lishdi.

Musobaqaning mini-futbol bo'yicha bellashuvlarida Yoshlik va Toshkesgan mahallalari jamoalari o'zaro kuch sinashdi. Un-

da Yoshlik futbolchilarining yaqqol ustunligi ko'zga tashlandi. Birinchi bo'limda raqib darvozasiga javobsiz to'rtta gol urgan jamoa yakunda 7:1 hisobidagi yirik g'alabani tantana qildi. Yoshlik mahalla jamoasi bunga-chi navbahorlik raqiblari ustidan ham g'alaba qozongan edi (8:4).

Mini-futbol bo'yicha Oqbuloq hamda Yangihayot mahallalari jamoalari o'rtasida bo'lib o'tgan bahs 2:2 hisobidagi jangovar durang bilan yakunlandi. Yana bir uchrashuvda esa Ravot hamda Mustaqillik mahallalari jamoalari murosasiz ko'chasin tanlashdi — 1:1.

SHAROF RASHIDOV TUMANIDA 48 tadan jamoa futbol va mini-futbol bo'yicha bahslarda raqobatga kirishgan.

Xalqobod va Toqchilik mahallalari jamoalari o'rtasidagi uchrashuv qiziqarli kechdi. Mazkur qarama-qarshilik davomida ustunlik asosan "Toqchilik" MFY jamoasi tomonida bo'ldi. Ko'plab standart vaziyatlar orqali xavfli hujumlar uyushtirishga uringan jamoa burchak zarbasini orqali uchrashuvdagi hisobni ochdi. Bahsning birinchi bo'limi xuddi shu ko'rinishda yakunga yetdi. Ikkinchi bo'limda ham raqiblari qara-

ganda tartibliroq o'yin namoyish etgan toqchiliklar bahsni to'liq nazorat qilishdi va yana bir bor gol urishni uddalashdi. Ushbu hisob uchrashuv yakuniga qadar o'zgarmandi — 2:0. Yana bir bahsda Oqtosh ota va Xayrobod mahallalari jamoalari o'zaro bellashdi va unda "Oqtosh ota" jamoasining qo'lli baland keldi (2:1).

G'ALLAOROL TUMANIDA ham ushbu musobaqa ortidan yoshlarning futbolga bo'lgan qiziqishini ortib borayotir. Bosh sovrinni qo'lga kiritish ishtiyogida bo'lgan minglab havaskorlarning har bir o'yinda ko'rsatayotgan ishtiyog va g'ayrati tahsinga sazovor. Ayni paytda tumandagi 35 ta mahallada futbol va mini-futbol bo'yicha jamoalar g'oliblik uchun bellashmoqda. Guruh bosqichi ikkinchi tur doirasida Do'stlik va Moltp mahallalari jamoalari o'rtasidagi uchrashuvda muxlislar oltita golning guvohi aylanishdi. Moltopliklar raqiblarini 5:1 hisobida taslim qilishdi. Parallel uchrashuvda esa marjonbuloqlik yoshlar korizquduqlik raqiblarini 7:1 hisobida yengdi.



Tumanda mini-futbol bo'yicha bahslar ham qizg'in tarzda kechmoqda. Samarqand hamda O'zbekiston mahallasi yoshlari o'rtasidagi bellashuvda darvozalarga 10 ta to'p kiritildi. Unda o'zbekistonlik havaskorlar 7:3 hisobida g'alaba qozondi. Bahslar qizg'in davom etmoqda.

**Yusuf SAYDALIYEV.  
("Jizzax haqiqati")  
Muallif olgan suratlar.**

Bosh muharrir Bahodir NAZAROV

Jizzax viloyati matbuot va axborot boshqarmasidan 2018-yil 7-dekabrda 06-038 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.

ISSN 2010 7730. Qog'oz bichimi A-2, hajmi 2 bosma taboq. Guvohnoma № 14-2588

QABULXONA — (72) 226-40-65.

XATLAR — (72) 226-18-10,  
REKLAMA va E'LONLAR — (72) 226-18-10.

Navbatchi muharrir: SH.YULDASHEVA.  
Gazeta operatorlari: A.NORBOYEV, D.SADIROV.  
Musahhih: B.HAMIDOVA.

Tahririyat besh qog'oz hajmgacha bo'lgan qo'lyozmalarni qabul qiladi. Qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi. Reklama va e'lonlar matni uchun tahririyat javobgar emas.

— tijorat materiallari

Gazeta "ERUDIT" MCHJ bosmaxonasida chop etiladi. Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Shartnoma bo'yicha topshirish vaqti — 17.00. Topshirildi — 16.30



Buyurtma № 247  
Adadi: 9647  
nuxsa.  
Sotuvda kelishilgan narxda.

https://t.me/jizzaxnews\_press